O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1999 йил, 23 март

12 (185)- сон


## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАДАГИ ТАБРИК СЎЗИ



**Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!**

**Қадрли дўстлар!**

**Муҳтарам меҳмонлар!**

**Авваламбор барчангизни она юртимиз — Ўзбекистонимизга кириб келган Наврўзи олам — яшариш ва покланиш фасли билан чин қалбимдан муборакбод этаман!**

**Шу қутлуғ кунларга соғ-омон етиб келганимиз учун беқиёс диёримиз бағрида яшаётган ҳар бир инсон — кексалик нашидасини сураётган дуогўй ота-оналаримиз, ёшлик завқи билан яшаётган азиз фарзандларимиз, мунис ва гўзал аёлларимиз — барча-барчамиз Яратганимизга ҳамду санолар, чексиз шукроналар айтамиз.**

**Наврўз — бизнинг ҳақиқий, асл миллий байрамимиздир. Бу муборак айёмнинг улуғ хосияти шундаки, бу фаслда халқимизнинг олижаноблиги, бағрикенглиги, саховати, она табиат билан ҳамнафас бўлиб уйғун яшашга интилиши айниқса яққол намоён бўлади.**

**Наврўзи оламда, борлиқ яшариб-янгиланганда, еру кўкда буюк илоҳий мўъжизалар содир бўладиган қутлуғ паллада, ҳар бир инсон табиатнинг бетакрор сеҳри ва гўзаллигини янгидан англайди, юрагида янги орзу-умидлар куртак очади. Деҳқоннинг билаги ва белига куч-қувват киради, қонида ғайрат-шижоат жўш уради.**

**Қадрли дўстлар!**

**Қадимий ва бетакрор, миллий ўзлигимизни англаш тимсоли бўлмиш Наврўз айёми истиқлол шарофати туфайли янгича мазмун касб этмоқда, халқимизнинг бу муқаддас шодиёнаси юртимиздаги тинчлик, эзгулик, сахийлик, бунёдкорлик байрамига айланмоқда.**

**Шубҳа йўққи, эзгу ниятларимиз амалга ошгани сари юртимизда йилдан-йилга бу байрамнинг ҳам файзу шукуҳи ортаверади. Келгуси Наврўзларни бундан ҳам тўкин, бундан ҳам фаровон, бир сўз билан айтганда, энг олий орзу-умидларимиз ушалган шароитда кутиб оламиз, иншоолло.**

**Ёруғ келажак сари интилаётган халқимизнинг меҳнати билан юртимиз кун сайин обод бўлмоқда. Жамиятимиз янгиланиб, тафаккуримиз ўзгариб бормоқда. Меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат каби фазилатлар одамларимиз фикру зикридан мустаҳкам ўрин олмоқда.**

**Ўзбекистонни ўз Ватаним деб биладиган юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари — тили, дини, миллатидан қатъи назар — ягона, аҳил оила бўлиб яшамоқда.**

**Бугун бу ҳақиқатни бутун дунё, жаҳон аҳли эътироф этмоқда, олдимизда турган мақсадлар ва эзгу интилишларимизни амалга оширишда бизга ҳамкорлик қўлини узатмоқда.**

**Бугунги мўътабар айёмда мана шу нуфузли минбардан туриб, сиз азизларнинг номингиздан бутун дунё аҳлини ишонтириб айтмоқчиман:**

**Биз ўз танлаган мустақил йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Буюк келажак, эркин, фаровон ҳаёт қуриш учун сабот ва матонат билан меҳнат қиламиз.**

**Озод Ватанимизга, мусаффо осмонимизга, Наврўзимизга, динимиз ва эътиқодимизга, фарзандларимиз бахтига чанг солмоқчи бўлганлар, бугунги ҳаётимизни, истиқболи очилиб бораётган эртанги кунимизни кўролмайдиганлар билсин: халқимизни бу улуғ ва муқаддас йўлдан асло қайтариб бўлмайди!**

**Ҳурматли ватандошларим, юртдошларим!**

**Мана шу фурсатдан фойдаланиб, дилимдаги яна бир фикрни сиз азизларга изҳор этмоқчиман.**

**Яқинда пойтахтимизда мудҳиш воқеалар бўлиб ўтган дамларда мен ўз тақдиримнинг халқим тақдири билан чамбарчас боғланиб кетганини бутун қалбим билан янада теран англадим.**

**Халқимнинг омонлиги, юртимнинг тинчлиги менинг ҳаётимнинг мазмунига айланиб қолганини яна бир бор бутун вужудим билан чуқур ҳис этдим. Буюк аждодларимизнинг пок руҳлари олдида, бугунги ва келажак авлод олдида бутун борлиғим, қалбимдан иймон келтириб такрор ва такрор айтмоқчиман:**

**Мен ҳаёт эканман, йўлимдан қайтмайман, Ватанимиз ва халқимиз ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди!**

**Мана шу юксак минбардан туриб, миллионлаб юртдошларимнинг сабр-бардоши, меҳр-оқибати, шахсан менга бўлган юксак ишонч ва ҳурмати учун халқимга яна бир бор самимий муҳаббатимни билдириб, таъзим қиламан.**

**Муҳтарам биродарлар!**

**Наврўз нафаси уфуриб турган шу муборак айёмда барча хайрли тилакларимиз рўёбга чиқсин!**

**Яратганимизнинг ўзи Ватанимизни, халқимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрасин!**

**Наврўзи оламингиз муборак бўлсин, азиз юртдошларим!**

## БУНЁДКОР ХАЛҚҚА ЯРАШГАН БАЙРАМ

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боғи байрамона безатилган. Гўё катта гулзорни эслатади. Шамолда яшил, кўк, оқ байроқлар ҳилпирайди. Дошқозонларда сумалак, ҳалим қайнамоқда. Майдон ўртасида катта саҳна ўрнатилган. Саҳнанинг қаршисида ўзбек шеъриятининг султони Алишер Навоийнинг салобатли ҳайкали кўринади. У гўё бизни мустақиллигимиздан, бугунги фаровон ҳаётимиздан, халқимизнинг бир ёқадан бош чиқариб Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ўзига хос, ўзига мос йўлдан оғишмай қадам ташлаётганидан мамнун кузатиб тургандек. Наврўз байрамининг бу майдонда ўтишининг рамзий маъноси бор. Зеро, улуғ шоиримиз 500 йил аввал бизнинг шу кунларимизни кўра билгандек, «Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз» деган эди.

Соат 11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов майдонга кириб келади. Ўтирганлар мамлакатимиз раҳбарини гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Олий Мажлис раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар Марказий минбардан жой эгаллайдилар. Чорлов мусиқаси янграб, баҳорни, Наврўзни мадҳ этувчи қўшиқ ижро этилади.

Саҳнада оқ либос кийган она пайдо бўлади. У — бутун халқимиз миллатимиз оналарининг тимсоли.

Сўз Президент Ислом Каримовга берилади. Юртбошимиз мамлакат халқини қутлуғ айём — уйғониш, яшариш, янгиланиш ва нафосат байрами Наврўз билан табриклайди. Президентимиз ўз табригида бу йилги Наврўз ўзгача шукуҳ ва тантана билан ўтаётганлигини таъкидлади.

Байрам дастури «Туркистоннинг азиз оналари», «Туркистон алласи», «Она билан бола, гул билан лола», «Олмани отдим отганга», «Гул диёрим бор менинг», «Наврўз нашидаси» деб номланган бўлимлардан иборат.

Халқ бор экан, унинг удумлари, анъаналари ўлмайди. Вилоятлар вакилларининг дастурида ҳам аёлга, тарихга, халқона урф-одатларга, гўзал маросимларга катта ўрин берилди.

Замонавий миллий эстрадамиз юлдузларининг чиқишлари байрамга кўтаринки руҳ бағишлади.

Пойтахтимиз Тошкентда бошланган Наврўз тантаналари Республикамизнинг барча вилоятлари ва туманлари марказларида, шаҳар ва қишлоқларида давом этмоқда.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ**

## СИЁСИЙ ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КАТТА КУЧ

### «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ПАРТИЯСИ АНЖУМАНЛАРИДА

Яқинда Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур тумани ҳокимиятининг мажлислар залида Конрад Адунауэр фонди ҳамда «Аёл ва жамият» институтининг «Маҳалла сайлов олди даврида» мавзуида икки кунлик семинар йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳар Шайҳонтоҳур тумани хотин-қизлар қўмитаси аъзолари, мактаб директорлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Йиғилишни «Аёл ва жамият» институтининг директори Н.М.Муравьёва бошқарди. Йиғилишда хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла, жамоат ташкилотлари олдида ҳозирги вақтда турган муҳим муаммолар муҳокама этилди. Сиёсий партиялар ва уларнинг хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллалар билан бирга олиб бораётган ишларига бағишланган давра суҳбатида Халқ демократик партияси, «Адолат» социал демократик партияси, Ватан тараққиёти, Миллий тикланиш демократик партияси вакиллари қатнашдилар. Улар келгусида ўтказиладиган сайловлар ва уларга олиб борилаётган тайёргарлик, сиёсий партиялар фаолияти ҳақида маълумот бердилар. Миллий тикланиш демократик партиясининг мақсад ва вазифалари, вилоят ва туманларда партия ташкилотларининг фаолияти, Аёллар йилида амалга оширилаётган тадбирлар, партияда хотин-қизлар сафларининг ортиб бориши, партиянинг бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликлари тўғрисида фалсафа фанлари доктори, профессор Тошпўлат Тошлонов сўзлади. Кейинги вақтларда, — деди у — Миллий тикланиш демократик партияси касаба уюшмалари билан ҳамкорликда таълим ва фан ходимлари зиёлиларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича бир қанча тадбирларни амалга оширди. Жумладан, 1998-1999 ўқув йилида кам таъминланган педагог, мураббийлар оилаларининг фарзандлари учун маълум миқдорда бепул дарслик ва қўлланмалар, моддий ёрдамлар кўрсатилди. Ҳозирги вақтда таълим ва фан ходимларининг фарзандларини ёзги дам олишлари, уларни мамлакатимизнинг қадимий ёдгорликларга бой шаҳар ва қишлоқларига саёҳатларини уюштириш, халқимизнинг қадриятлари билан таништириб бориш, уларда Ватанга муҳаббат, халқпарварлик, инсонпарварлик ҳисларини тарбиялаш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва мамлакатимизнинг қонунларига тўла амал қилиш, Президентимиз Ислом Каримовнинг ёш авлодни тарбиялаш, вояга етказиш, давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини кўтариш йўлида олиб бораётган ишларни ташаббускор меҳнат билан самимий қўллаб-қувватлаш, юртбошимиз атрофига янада жипслашиш энг муҳим сиёсий вазифалардир. Бу борада Сирдарё вилоятидаги Гулистон, Янгиер шаҳарларида, Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов, Сирғали туманларида ўтказилган конференциялар, давра суҳбатлари жамоатчилик ўртасида яхши таассурот қолдирди ва ғоятда фойдали бўлди. Миллий тикланиш демократик партиясининг Тошкент шаҳар ташкилотида ўтказилган раёсат йиғилишида 16 февралда содир бўлган мудҳиш қўпорувчилик кескин қораланди.

Қўпорувчилик, терроризм, диний, ақидавий экстремизмга йўл қўймаслик, буларнинг илдизларини очиб ташлаш, мудҳиш қиёфасини фош этиш юзасидан Миллий тикланиш партиясининг вазифалари кўриб чиқилди.

**Саидбосит ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент шаҳар ташкилоти раисининг ўринбосари**

## *«Ислом КАРИМОВ. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида»: экрандаги умрнинг бошланиши*

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда шундай воқеалар бўладики, улар жамиятнинг тараққиётига, тафаккур бойишига олиб келади. Истиқлол учун, келажак авлод бахти учун хизмат қилади. Юртбошимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китоби шундай оламшумул аҳамиятга эга бўлган воқеа эканлигини жаҳон тан олди. У кино маданиятига ҳам таъсир кўрсатганини, экран санъатини бойитаётганини, ижод аҳлининг бадиий хазинаси ранг-баранг бўлиши учун хизмат қилаётганини мамнуният билан қайд этамиз.

## УМИДЛИ ДЕБОЧА

«Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» деб аталган кино тасмасида замон ва унинг муаммолари келажак ва унга таҳдид солаётганлар, атроф-муҳит ва уни ардоқлаш, ҳимоя қилиш, асраш каби замонамизнинг долзарб масалалари юзасидан атрофлича фикр юритилади. Унинг бошқа кино асарларидан фарқи бор. Янги асар томошабинга завқ беради, айни бир вақтда унда чуқур фалсафий фикр уйғотади?

Асарни икки қайта кўриб, саволимизга жавоб топгандек бўлдик: эҳтиросли сўз, илмий мулоҳаза, юртнинг асл фарзандига хос бўлган шижоат — булар кино аҳлига илҳом берган, экраннинг мустақил асари пайдо бўлиши учун мустаҳкам пойдевор яратган. Китобнинг кўтаринки руҳини сақлаб қолишга интилган, матнга тенг қимматли экран воситаларини излаган, тасвир, мусиқа, монтаж, ихчам, сиғимли композициялар излаган ва кўп ўринда уларни топган, қўллаган кинопублицистлар ижод нашидасига тўлиб-тошган дамларни бошларидан кечирганлар. Муаллиф ва режиссёр В. Исҳоков, бадиий раҳбар Темурмалик Юнусов, операторлар, катта ижодий гуруҳ матнни чуқур ўзлаштирганлари, унга эквивалент излаб бугунги куннинг хроникадаги тасвирига, узоқ ўтмишдан қолган миниатюраларга, кечаги Оролни суратга олган публицистларнинг бисотига, филмлар хазинасига, энг муҳими, экранлаштирилаётган китобнинг кино манбаларига, захираларига мурожаат этганлари ҳар бир кадрда кўзга ташланади. Шу боис сувсиз қолган денгизнинг аянчли кўриниши шўролар ҳукмдорлиги даврининг маҳсули сифатида, нозик табиатли мусаввирлар чизган нафис тасвир жангу-жадал оқибатлари билан боғланган ҳолда, видеотасвир хориждаги ёвуз ниятли шахсларнинг қора ниятларига узвий уланган ҳолда тасвирланишига эришилган. Мураккаб монтаж йўллари, истиоралар, гоҳ лирик, гоҳ катта драматургик «юк»и бўлган мусиқа садолари, айниқса кадрда ва кадр ортида янграган сўз бош мавзуни атрофлича ёритиш учун хизмат қилган. Тўғри, томошабинга етиб келадиган матн кўп ўринда чуқурроқ, шиддатлироқ, образлироқ, таъсирчанроқ, умуман қизиқарлироқ кўринади. Айтайлик, замонавий лайнерда, осмону фалакда учиб бораётган самолётда юртбошимиз бугунги кун ва келажак ҳақида айтган сўзларида қанчадан қанча маъно бор, ташвиш бор, ўлкамизга, халқимизга меҳр бор! Бундай ҳолда теран фикр пайдо бўлиши, сўзларга, жумлаларга айланиши жараёни, сўнгра айтилиши, бизга етказилиши дамларининг ўзи завқли қизиқарли бўлиб, уни ўзга тасвир билан тўлғазишга зарурият ҳам бўлмаган... Фарғона водийсида рўй берган тошқин Президентимизни қанчалик ташвишга солганини кўрамиз. И. А. Каримов бундай табиий офатларни кўзда тутган ҳолда қутқазиш, бинокорлик, умуман, яратувчилик ишларини олиб бориш зарурлиги ҳақида куюниб сўзлашларини эшитиб, меҳримиз янада товланади. Бундай эпизодлар асарнинг мағзини, концепцион йўналишини ташкил этган бўлиб, мазкур публицистик тасмада тасвир анчагина бой ва ранг-баранг бўлишига қарамай, экранда янграб турган сўзлардан, баён этилган теран фикрлардан заифроқ, камбағалроқ эканлигини эслатиб туради. Ўн икки бобдан иборат бўлган бу кинoочеркнинг навбатдаги кадрлари суратга олинишида бу ҳолни, сўз ва тасвирнинг экрандаги ўзига хос муносабатларини ҳамиша ёдда сақлаш, мажозий тасвирий ифодаларга янада кенгроқ ўрин бериш зарурлигини таъкидлаб ўтардик.

Йирик публицистик асарнинг дастлабки икки қисми эндигина жамоатчиликка тақдим этилди. Маънавий покланиш ҳамда XX аср охирининг энг долзарб масалаларидан бири бўлмиш экология, инсон ва муҳит муаммолари хусусида оқил, одил, публицистик сўз айтилди. Сиёсий-ижтимоий, маданий ҳаётимизга, истиқболимизга бағишланган асарнинг экрандаги умри бошланди. Бу умр узоқ, ибратли, серзавқ бўлишига ишончимиз комил. Зеро асарнинг дебочаси мароқли, серфикр, умидли бўлди. Бу эса киносериалнинг истиқболидан дарак беради.

**Ҳамидулла АКБАРОВ**

## ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЛАРИ БМТ ЭЪТИБОРИДА

Пойтахтимиздаги жозибали ва муҳташам «Интерконтинентал» меҳмонхонаси ушбу Наврўз кунлари кўп қиррали ўзбек халқ санъатининг мўъжизакор сеҳри, гўзаллик ва меҳрнинг тасаввурдаги акси жонланган миллий ҳунармандчилик намуналари жилосига тўлди. 20—21 март кунлари бу ерда БМТ ваколатхонаси ва «Интерконтинентал» маъмурияти томонидан Наврўз байрамига бағишланган халқ амалий санъати, миллий ҳунармандчилик буюмларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Халқ истеъдодларига ва миллий анъаналарга меҳр ва эътибор, ижодий рағбат нуқтаи назаридан кўргазманинг ўзига хос жиҳатлари кишини завқли қувонтиради, албатта:

— Ўзбекистонга келган хорижий меҳмонлар, саёҳатчилар, ишбилармон бизнесменлар, — дейди биз билан суҳбатда БМТнинг Ўзбекистондаги вакили Павел Крал жаноблари, — кўпинча қадимий-маданий марказ ҳисобланган машҳур Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива шаҳарларининг тарихий ёдгорликлари, аввалдан ва шу давримизда яратилган турфа санъат намуналари билан танишадилар.

Лекин айни пайтда бу ўлканинг чекка-чекка жойларида, қишлоқларида ижодий меҳнат қилиб, ўз ҳунари билан нодир мўъжизалар кашф қилаётган хунармандлар, халқ амалий санъати усталарининг беназир ва оламшумул ишлари билан деярли таниша олмайдилар, билмайдилар. Мақсадимиз, ана шу бир-бирига яқинликни юзага келтириш, тарғибот орқали бу маънода ўзаро фойдали ҳамкорликларни ўрнатиш, шу йўл билан халқ усталарига моддий ва маънавий кўмаклашиш, ижод имкониятларини кенгайтиришга сидқидилдан ёрдамлашишдир. Маълумингизким, айни шу муносабат билан халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш бўйича махсус лойиҳа ишлаб чиққан эдик. Иккинчи бор ўтказилаётган ушбу кўргазма ҳам ана шу лойиҳа асосидадир.

Наврўзга чинакам муносиб бағишловга айланган мазкур кўргазмада юртимизнинг турли жойларидан: Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Ғиждувон ва Шаҳрихондан ташриф буюрган 50та уста ижодкорлар ўз ишлари билан қатнашдилар. Уларнинг қувончи, илҳом умидларидан бизнинг ҳам хурсандлигимиз ортди. Турли хил катта-кичик савдо шахобчаларида деярли кўзга ташланмайдиган миллий қўғирчоқлар, турфа либослар, чинни ва сопол идишлар, мисгарлик, каштачилик, ёғоч устачилиги буюмлари, тасвирий амалий санъат намуналари ва бошқа жиҳозлар томошабин-мухлисларнинг диққатини тортди. Кўргазма мухлис ва ижодкор ўртасидаги амалий муносабатларга яна бир дебоча бўлди. Халқ миллий усталари қўлидан чиққан турфа буюмлар дунё хонадонларига кириб боради, эъзозу эътибор топади. Энг қувонарлиси, уларга улуғ Ватанимиз, халқимиз номи сингган, қадри сувратланган.

Бу каби олийжаноб иш-тадбирлар Павел Крал жаноблари таъкидлаганларидек, ҳали яна давом этажак.

**Дилором МАТКАРИМОВА**





Лысенко Ольга суратга олган

**Болаларнинг беғубор нигоҳлари аслида биз ўйлагандан кўра теран ва илғовчан. Уларнинг ўтли қалби, интилишлари, айниқса, табиатнинг турфа сирларига ниҳоятда уйғун, дўсту сирдош. Ятатишу ҳаёт кашфиётларига уста сўлим табиатнинг тиришқоқ, илҳом нафасли талабаларига ўхшайди улар.**

**Бадиий академия коллежи залларида Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ижодкор ўқувчи-ёшларининг Республика бадиий-ижодий кўрик танлови финал босқичига саралаб олинган асарлар**

## УЙҒОҚ ИДРОКЛАРДА УМИДЛАРИМИЗ

**кўргазмаси ўтказилди. «Экосан» халқаро фонди «Соғлом бола» ҳамда «Бахтли келажагимиз» жамиятлари ташаббуси ва халқ таълими ташкилотлари, ҳокимликларнинг яқиндан кўмакдошлиги билан ушбу қизиқарли тадбир амалга оширилди. Оила йилида бошланиб, айни Наврўз кунларида якунланган «Бола нигоҳида экология ва оила» номли бу кўрик конкурси «Болалар санъати-2000» Халқаро фестивалининг миллий босқичи йўналишидадир.**

**Экология, табиат мавзусининг болалар тушунчасида нақадар соф рамзи, мурғак қалб ҳарорати, Ватан еру осмонига ёш юраклар муҳаббатининг нурли ифодаси, улар томонидан яратилган турли ижод намуналарида сезилиб турган меҳр ва идрок уйғоқлиги ҳаммамизга ёруғ умидлар бахш этади. Конкурс ғолиблари турли совғалар билан мукофотланди.**

**Дилором АБДУЛЛАЕВА**

